

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

НЕМАТОВ ТУЛҚИН ЭРГАШЕВИЧ

**ЭКИШ МУДДАТ ВА МЕЪЁРЛАРИНИ КУЗГИ РАПСНИНГ ЎСИШИ,
РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ
(ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation on
agricultural sciences**

Нематов Тулқин Эргашевич

Экиш муддат ва меъёрларини кузги рапсинг ўсиши, ривожланиши ва
хосилдорлигига таъсири..... 3

Нематов Тулқин Эргашевич

Влияние сроков и норм посева на рост, развитие и урожайность
озимого рапса..... 21

Nematov Tulqin Ergashevich

Effect of sowing dates and norms on growth, development and yield of
winter rapeseed..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

НЕМАТОВ ТУЛҚИН ЭРГАШЕВИЧ

**ЭКИШ МУДДАТ ВА МЕЪЁРЛАРИНИ КУЗГИ РАПСНИНГ ЎСИШИ,
РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ
(ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Qx819 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Халиков Баходир Мейликович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Махматмуродов Алишер Ульмасович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Хайдаров Бекмирод Дўсиёрович
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: Аидижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашининг «27» 01 2023 йил соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани Университет кўчаси, 2-уй. Тел: (99871) 260-48-00 ; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 547358 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил «13» 01 да тарқатилди.
(2023 йил «13» 01 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



У.Норкулов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
к.х.ф.д., профессор.

А.А.Иминов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
к.х.ф.д., катта илмий ходим.

Ф.Б.Намозов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда озиқ-овқат саноати муҳим аҳамият касб этади. Шу боис маҳаллий озиқ-овқат ва хомашё ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш, бозорга хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини меъёрларда белгиланган ассортиментда етказиш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. “Бугунги кунда рапс дунёнинг 15 дан ортиқ мамлакатда 30 млн. гектардан ортиқ майдонда етиштирилади. Жумладан, Хитойда 7,3 млн., Ҳиндистонда 6,7 млн., Россия Федерациясида 1,5 млн., Германияда 1,3 млн., Ўзбекистонда 2,0 минг. гектар майдонда парвариш қилинмоқда”¹. Республикамизда ҳам рапснинг экин майдонини кенгайтириш ва ундан олинадиган ҳосил салмогини ошириш учун мақбул экиш муддат ва меъёрларини аниқлаш ҳамда етиштиришнинг муҳим агротехнологик элементларини такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёни рапс етиштирувчи илгор мамлакатларда тупроқ шароити, навлар хусусияти, экиш муддати, экиш меъёри ва етиштириш агротехнологияларининг устувор усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳисобига уруг ҳосилдорлиги ҳамда сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда мойли экинлардан рапснинг серҳосил, уруг сифати юқори ва қайта ишлашга яроқли бўлган янги навларини яратиш ҳамда навларининг ҳосили ва сифатини оширишда уруг экиш муддатлари, меъёрларини аниқлаш натижасида кузги рапснинг ўсиб ривожланишини жадаллаштириш, аҳолини ёғ-мой ҳамда экологик тоза асал, чорвачиликни юқори оқсилли озуқа билан таъминлашда илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, хусусан аҳолининг озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда саноатни хом-ашёга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш бўйича кенг қўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириб, бўшаб қолган ерларга озиқ-овқат ва мойли экинларни жойлаштириш”² муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Республикада стратегик заҳираларини яратиш, халқ хўжалигида хом-ашё базасини ривожлантиришда имкониятлардан тўлиқ фойдаланишдан келиб

¹ https://www.fao.org/documents/card/nr/c/cb7788_en/

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

чиқиб, кузги рапснинг юқори уруг маҳсулдорлигини шаклланиш асосларини ишлаб чиқиш, ташқи муҳитнинг экологик омилларга боғлиқ ҳолда ҳар хил нав уругларини биокимёвий таркибини ўзгариш қонуниятларини аниқлаш, кузги рапс етиштиришнинг мажмуий агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш республика қишлоқ хўжалигидаги долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сонли “Республика худудларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 17 июндаги ПҚ-5742-сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз ва хорижда рапсни етиштириш технологиялари, ўсиши, ривожланиши бўйича Х.Н.Атабаева, Б.М.Халиков, Х.Романов, Ф.Намозов, А.Иминов, Е.Виноградова, З.Юлдашевлар, шунингдек хорижлик олимлардан, S.N.Nigam, D.Y.Giri, A.G.Reddy, J.A.Baldwin, S.N.Deshmukh, A.Krapoviskas, R.W.Gibbons, Э.Ф.Вафина, М.И.Демина, Е.А.Захарова, Г.Н.Кузнецовлар томонларидан тадқиқотлар олиб борилиб, кўплаб илмий натижалар олинган.

Бирок, Жиззах вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида кузги рапс навларининг мақбул экиш муддат ва меъёрларини ҳосил салмоғи, мойдорлик даражаси ҳамда бошқа қимматли хўжалик белги хусусиятларига таъсири етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уругчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ҚХ-А-ҚХ-2018-216 «Жиззах вилоятининг турли даражада шўрланган тупроқлари шароитида гўза мажмуидаги зироатларни парваришлаш технологияси элементларини такомиллаштириш» амалий лойиҳа доирасида ва Тошкент давлат аграр университетининг 2017 йил 5 декабрдаги 5-сонли баёни билан тасдиқланган “Дала экинларининг замонавий етиштириш технологияларини яратиш ва такомиллаштириш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жиззах вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида кузги рапс навларини мақбул экиш муддат ва меъёрларини ўрганиш орқали уруг ҳосилдорлиги ва мойдорлик даражасини ошириш ҳамда ишлаб чиқаришга тавсия этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: қуйидагилардан иборат:

кузги рапснинг экиш муддати ва меъёрларини тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

кузги рапс уруғларининг дала шароитидаги унувчанлиги ҳамда қишлаб чиқиш даражасига экиш муддатлари ва меъёрларини таъсирини аниқлаш;

кузги рапснинг поя баландлиги, барг сони ва сатҳига ҳамда ривожланиш даврлари давомийлигига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

турли экиш муддатлари ва меъёрларини кузги рапс навларининг биометрик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

кузги рапс навларини ҳосил салмоғи ва сифатига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

турли экиш муддатлари ва меъёрларини таъсирида кузги рапснинг тупроқда қолдирадиган илдиз ва ангиз қолдиқлар миқдорини аниқлаш;

кузги рапснинг етиштиришда иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Тадқиқот объекти сифатида кузги рапснинг «Юнтаи» ва «Ясна» навлари ва ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлар олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб экиш муддатлари ва меъёрлари, ушбу омилларни кузги рапснинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлик, мойдорлик даражасига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва лаборатория тадқиқотлари, ўсимликлардаги биометрик ўлчовлар ва фенологик кузатувлар ҳамда турли таҳлиллар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007), «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методы агрохимических анализов почв и растений» (1973), «Методы агрофизических исследований» (2012), “Методические указания по проведению полевых опытов с кормовыми культурами” (1985) каби услубий қўлланмалари асосида, тажрибаларда олинган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А. Доспехов услуби бўйича, уругининг мойлилик даражаси ЯМР-1600 маркали замонавий анализаторда аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Жиззах вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида кузги рапснинг мақбул экиш муддат ва меъёрларини унинг ўсиши, ривожланиши ва уруг ҳосилдорлигига таъсири аниқланган;

кузги рапснинг “Юнтаи” навида экиш меъёрларини гектарига 4,0 кг. дан 8,0 кг. гача оширилиши амал даврини 2 кундан 4 кунгача, экиш муддатларини 10 кунга кечиктириш 3 кундан 5 кунгача, 20 кун кечиктириш эса 5 кундан 6 кунгача, “Ясна” навида эса экиш меъёрларини оширилиши амал даврини 3 кундан 6 кунгача, экиш муддатларини 10 кунга кечиктириш 4 кундан 6 кунгача, 20 кун кечиктириш эса 6 кундан 7 кунгача узайганлиги аниқланган;

энг юқори ҳосилдорлик кузги рапсни “Ясна” навини эрта (20-25.09) муддатда гектарига 2,0 млн./дона, “Юнтаи” навини ўрта (01-05.10) муддатда гектарига 1,5 млн./дона экилганда кузатилиб, “Ясна” навида 29,2-36,8 ц/га, “Юнтаи” навида 26,1-33,0 ц/га бўлганлиги аниқланган.

юқори миқдорда мойдорликка эришиш учун кузги рапсинг “Ясна” ва “Юнтаи” навларини эрта муддатда (20-25.09) гектарига 1,5 млн./дона меъёрида экиш ҳамда эрта экилган муддатда уругдаги мой миқдори ўрта ҳамда кеч муддатларда экилганга нисбатан 2,5–3,3 фоизга юқори ва гектаридан мой олиш 141,39–286,25 кг/га кўп бўлиши исботланган.

тажрибада энг юқори иқтисодий самарадорлик “Ясна” навини эрта муддатда (20-25.09) гектарига 2,0 млн. дона уруг экилган вариантда аниқланиб, соф фойда 4552500 сўм/гани, рентабеллик даражаси эса 75,7 % ни ташкил этган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тадқиқотдан олинган илмий натижалардан келиб чиқиб, Жиззах вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида кузги рапсинг “Юнтаи” ва “Ясна” навларини мақбул экиш муддатлари ва меъёрлари аниқлаб берилди. Олинган илмий маълумотларни қўллаш натижасида ушбу шароитда рапсинг кузги навларини экиш муддати ва меъёрига боғлиқ равишда кўчат ҳосил қилиш имконияти, қишлаш даражаси, кузги рапс навларини ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда сифат кўрсаткичларини нисбатан юқори бўлишига эришилган;

олинган маълумотларга кўра, кузги рапс эрта муддатда (20-25.09) экилганда 8 кунда, экиш муддати 10 кунга кечиктирилганда 11-12 кунда, 20 кунга кечиктирилганда эса 13-14 кунда тўлиқ униб чиқди. Экиш муддати 10 ва 20 кунга кечиктирилганда нобуд бўлган ўсимликлар сони 2,1-6,6% бўлганлиги аниқланди. “Ясна” нави 20-25.09 муддатда, гектарига 2,0 млн./дона экилганда энг юқори дон ҳосили 33,9 ц/гани, “Юнтаи” нави эса 01-05.10. муддатда, гектарига 1,5 млн./дона экилганда юқори уруг ҳосили 32,7 ц/га ни ташкил этди. Уругдаги юқори миқдордаги мойдорлик кузги рапс навлари эрта муддатда (20-25.09) гектарига 1,5 млн./дона меъёрида экилганда олинган;

тадқиқотдан олинган натижалар Республика кишлок хўжалиги олий ўқув юртларида, кишлок хўжалиги техникумларида, коллежларида “Агрономия” фанидан ўқитишда фойдаланиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала ва лаборатория тажрибаларини апробация кўригидан ўтказилиб ижобий баҳоланганлиги, тадқиқотлардан олинган натижаларга математик-статистик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, олинган илмий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, изланишлар натижалари амалиётда кенг қўлланилганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жиззах вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида кузги рапснинг “Ясна” ва “Юнтаи” навлари уругларининг дала шароитидаги унувчанлиги, ўсимликнинг қишлаб чиқиш даражаси, ўсиш-ривожланиши, ривожланиш даврларининг давомийлиги, кўзоқчанинг шаклланиши ва ундаги уруглар сони ва вазни, барг сони ва сатҳи, ҳосил элементларининг шаклланиши, ҳосилдорлиги ва уругнинг таркибидаги мой миқдорини экиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгариш қонуниятларини ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жиззах вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида кузги рапснинг “Ясна” ва “Юнтаи” навлари уругларини мақбул экиш муддат ва меъёрлари аниқланган, ишлаб чиқаришга тавсиялар берилиши асосида кузги рапс етиштиришдаги ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайганлиги ва уруг ҳосилдорлигини ошганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиззах вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида экиш муддатлари ва меъёрларини кузги рапснинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида;

кузги рапснинг экиш муддати ва меъёрларини қўллаш юзасидан фермер хўжаликлари учун «Жиззах вилояти шароитида кузги рапсни етиштириш агротехникаси бўйича тавсиянома» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 28-июндаги №04/35-04/4258-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиянома бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган илмий ходимлар ва фермер хўжаликларига қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

кузги рапснинг “Юнтаи” ва “Ясна” навлари уругларини мақбул экиш муддат ва меъёрларда етиштириш технологияси Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида 34,0 гектар, Зафаробод туманида 30,0 гектар, жами 64,0 гектар майдонда жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 28-июндаги №04/35-04/4258-сонли маълумотномаси). Натижада, кузги рапс навлари уругларини мақбул экиш муддат ва меъёрларда экилиши ҳисобига 31,0-32,3 ц/га уруг ҳосили олинган;

кузги рапснинг “Ясна” навини 20-25.09 муддатда гектарига 2,0 млн. дона меъёрда етиштириш технологияси Жиззах вилоятининг Пахтакор тумани “Зоҳид Достон”, “Салай ота”, “Пахтакор юлдузи”, “Олим олтин хирмони” фермер хўжаликлари ва Зафаробод тумани “Зафаробод ёш фудбўлчиси”, “Писталикент Лоласи”, “Лозуд Прадук” фермер хўжаликларида 64,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 28-июндаги №04/35-04/4258-сонли маълумотномаси). Натижада, кузги рапснинг “Ясна” навини 20-25.09

муддатда гектарига 2,0 млн. дона уруг экилганда 31,0–32,3 ц/га уруг ҳосили ва ундан 1240-1280 кг/га мой олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази ҳамда Тошкент давлат аграр университети томонидан тузилган махсус комиссияси томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган, ҳисоботлар университетнинг Услубий ва Илмий кенгашларида муҳокама қилинган, диссертация ишининг асосий илмий натижалари бўйича республика ва халқаро илмий анжуманларда 4 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий мақолалар ва 1 та тавсиянома чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида республикада ва хорижда ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари объект ва предметлари батафсил тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кузги рапс ва ундан сифатли ҳосил олишнинг илмий-амалий асослари бўйича адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида, мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, рапс ўсимлигини экиш муддатлари ва меъёрлари, унинг ўсиши ва ривожланишини яхшилаш, амал даврининг давомийлиги, фотосинтез ва симбиотик фаолиятининг уруг ҳосилини оширишни яхшилашдаги аҳамияти батафсил баён этилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнгида тадқиқотларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда рапс ўсимлигини етиштиришда турли экиш муддатларини ҳисобга олган ҳолда экиш меъёрларини тўғри белгилаш орқали юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳисобига юқори иқтисодий самарадорликка эришиш юзасидан олинган натижа, хулоса ва фикрлар баён этилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари” деб номланган иккинчи бобида, дала тажрибалари ўтказилган минтақанинг географик ўрни, ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари, шунингдек тадқиқотларни олиб боришда фойдаланилган кузги рапс навларини тавсифи ва етиштиришда қўлланилган агротехник тадбирлар келтириб ўтилган.

Дала тажрибалари Жиззах вилояти Пахтакор туманида жойлашган Пахта селекцияси, уругчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Жиззах илмий тажриба станциясининг ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида 2017-2020 йилларда ўтказилган.

Тупроғини механик таркиби ўртача кумоқ, сизот сувлар сатҳи 2,0-2,5 метр чуқурликда жойлашган, кучсиз шўрланган. Тажриба даласи 18 та вариантдан иборат бўлиб, ҳар бир вариантнинг майдони 72 м² ни, шундан ҳисобга олинандиган майдон 36 м² ни ташкил этган, уч ярусга жойлаштирилиб, уч такрорланишда олиб борилган ва тажрибанинг умумий майдони 0,40 га ни ташкил этган. Тажрибада кузги рапснинг “Юнтаи” ва “Ясна” навлари танлаб олиниб, улар учта экиш муддати (20-25.09; 01-05.10; 10-15.10) ва учта экиш меъёрларида (гектарига 1,0; 1,5; 2,0 млн./дона) тадқиқотлар олиб борилган.

Тажрибада барча фенологик кузатишлар ва биометрик ўлчовлар ҳамда лаборатория тадқиқотлари ўсимликшуносликда қабул қилинган андоза услублар орқали амалга оширилган. Мазкур бобда олинган маълумотлар Б.А.Доспехов усулида математик таҳлил қилиниб, тадқиқотларда ўрганилган кузги рапснинг “Юнтаи” ва “Ясна” навларини тавсифи ва етиштиришда қўлланилган агротехник тадбирлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг “Кузги рапс навларини ўсиши, ривожланишига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири” деб номланган учинчи бобида тажриба даласи тупроқларининг агрокимёвий тавсифи, агрофизикавий хоссалари ва кузги рапс навларининг дала шароитда унувчанлиги, кўчат қалинлиги, қишлаб чиқиш даражаси, поя баландлиги, битта ўсимликдаги барглар сонига, барг юза майдони ва ривожланиш фазалари давомийлигига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири аниқланганлиги баён қилинган.

Тажрибалар ўтказилган даланинг агрокимёвий ва агрофизикавий хусусиятларини ўрганиш натижаларини кўрсатишича, йиллар бўйича тегишлича тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида гумус 0.707%-0.790%-0.773%, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 0.505%-0,674%-0.652% ни, умумий азот 0-30 см қатламда 0.079 %-0,084 %-0.081 % ни, 30-50 см қатламда 0.051 %-0,064-0.062 % ни ва умумий фосфор микдори 0-30 см қатламда 0.091 %-0,099 %-0.089 % ни, 30-50 см қатламда 0.065 %-0,082 %-0.081 % ни ташкил қилган. Ҳаракатчан шаклларида эса, ҳайдов (0-30 см) қатламида йиллар бўйича нитратли азот 4,86-5,46-5,37 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 11,2-12,3-11,3 мг/кг, алмашинувчи калий 370-390-380 мг/кг ни ташкил этди. Ҳайдов ости (30-50 см) қатламида йиллар бўйича нитратли азот 4,10-4,28-4,19 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 8,14-9,5-9,9 мг/кг, алмашинувчи калий 350-340-330 мг/кг

ни ташкил этган. Тажриба даласи тупроги озика элементларидан – гумус билан кам, азот ва фосфор билан жуда кам, калий билан эса юқори даражада таъминланган.

Демак, экиш муддатларини эрта бўлиши кеч экилган вариантларга нисбатан тупроқдаги гумус миқдорини 0,002-0,005%га, азот миқдорини 0,001-0,003%га, фосфор миқдорини 0,001-0,002%га ўсимликлар томонидан нисбатан кўпроқ ўзлаштирилганлиги аниқланган. Озика элементларини ҳаракатчан шаклларида ҳам ушбу қонуниятлар кузатилиб, экиш меъёрларини ошириб борилиши нитратли азот миқдорини 0,03 мг/кгдан 0,07 мг/кггача, ҳаракатчан фосфор миқдорини 0,1 мг/кгдан 1,0 мг/кггача, алмашинувчан калий миқдорини 20 мг/кгдан 40 мг/кггача камайишига олиб келди. Шунингдек, кузги рапсни эрта муддатда экиш ҳам мазкур озика элементлари миқдорига таъсир этиб, ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда нитратли азотни 0,97-1,03 мг/кггача, ҳаракатчан фосфорни 0,30-1,20 мг/кггача, алмашинувчи калийни эса 20-50 мг/кггача нисбатан кўп ўзлаштириши аниқланган.

Экиш муддат ва меъёрларини кузги рапс навларини униб чиқиши бўйича олинган маълумотларга кўра, “Юнтай” нави тажрибанинг дастлабки йилида эрта 20-25.09. муддатда экилган вариантларда (1, 2, 3, 10, 11, 12-вариантлар) уруғлар экилган кундан 9-10 кун ўтгандан кейин 97,5-98,6% миқдорида, ўрта муддатда (01-05.10) экилган вариантларда (4, 5, 6, 13, 14, 15-вариантлар) 13-14 кундан кейин 97,3-98,5% миқдорида, кеч муддатларда (10-15.10) экилган (7, 8, 9, 16, 17, 18-вариантлар) вариантларда эса 15-16 кунда 95,4-97,8% миқдорида униб чиққанлиги кузатилган.


Кузги рапснинг “Ясна” навини униб чиқишида ҳам юқоридаги қонуниятлар кузатилиб, мазкур нав “Юнтай” навиға нисбатан экиш муддатлари бўйича 1-2 кун кечроқ униб чиққанлиги аниқланган.

Кузги рапс навларини қишловдан олдинги кўчат қалинлиги кам меъёрларда (гектарига 1,0 млн./дона) эрта муддатда экилган вариантларда (1, 4, 7, 10, 13, 16-вариантлар) ўртача гектарига 976 минг/донани, ўрта меъёрда экилган (2, 5, 8, 11, 14, 17-вариантлар)да ўртача 1450 минг донани, юқори меъёрда экилган (3, 6, 9, 12, 15, 18-вариантлар)да ўртача 1920 минг донани ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар ўрта муддатда экилганда экиш меъёрларига тегишли равишда гектарига 973; 1395; 1920 минг донани, кеч муддатда экилганда эса 1435; 1900 минг дона бўлган.

Кузги рапснинг “Ясна” навини қишловдан кейин сақланиб қолган кўчатлари 92,0 фоиздан 93,5 фоизгача, “Юнтай” навида эса 86,5 фоиздан 93,2 фоизгача қишдан сақланиб қолганлиги экиш муддати ва меъёрларига боғлиқ бўлиши кузатилган. Кузги рапс навларида амал даврини охирида ҳар иккала навда ҳам бўйининг баландлиги ўртача 93,1-111,8 смни, фақат “Ясна” навида бўйининг баландлиги “Юнтай” навиға нисбатан 12-14 см атрофида баланд бўлганлиги аниқланган.

Баргларнинг ўсиши ва ривожланиши бўйича олинган маълумотларга кўра, кузги рапсни “Юнтай” навида баргларнинг меъёрий ўсиши ва ривожланиши экиш меъёри гектарига 1,5 млн./дона бўлганда кузатилган.

Эрта экилган муддатда рапс гектарига 1,0 млн./дона экилганда ўсимликда барглари сони ўртача 36,1 донани, 1,5 млн./дона экилганда 38,6 донани, 2,0 млн./дона экилганда эса 38,4 донани, ўрта муддатда экилганда экиш меъёрлари бўйича тегишлича 40,6-41,6-39,3 донани, кеч муддатда экилганда 38,7-39,5-38,1 донани ташкил этган. Кузги рапснинг “Юнтаи” навида гектарига 1,5 млн./дона экилганда гектарига 1,0 млн./дона экилганга нисбатан 2,5 донани, гектарига 2,0 млн./дона экилганга нисбатан эса 2,3 донани кўп бўлиши аниқланган (1-расм).



1-расм. Экиш муддат ва меъёрларини кузги рапс навларини қишлаб чиқиш даражасига таъсири (2017-2018 йиллар)

Экиш меъёрларини таъсирига кўра, “Юнтаи” нави эрта муддатда экилган вариантларда ундаги барглари сони ўртача 36,1-38,6-38,4 донани, ўрта муддатда экилганда 40,6-41,6-39,3 донани, кеч муддатда экилганда 38,7-38,5-38,1 донани бўлганлиги кузатилади. Рапснинг 01-05.10 муддатда экиш уни 20-25.09 муддатда экилганга нисбатан барглари сони 1,2-3,5 донанига, 10-15.10 муддатда экилганга нисбатан эса 1,0-3,1 донанига кўп бўлиши кузатилади.

Кузги рапснинг “Ясна” нави бўйича эрта муддатда гектарига 2,0 млн./дона экилганда барглари сони энг юқори 56,4 донани, гектарига 1,0 млн./дона экилганда 48,9 донани, 1,5 млн./дона экилганда эса 53,2 донани, ўрта муддатда экилганда мазкур кўрсаткичлар тегишли равишда 43,8-37,0-43,1 донани, кеч муддатда экилганда 45,2-41,6-44,6 донани ташкил этиб, экиш меъёрини гектарига 500 минг донанига ошириш барглари сони битта ўсимликда 4,3 донанига, 1,0 млн. донанига оширилганда эса 7,5 донанига кўп бўлиши кузатилади. Кўришиб турибдики, мазкур навида экиш меъёрларини ошириб борилиши ундаги барглари сонига ижобий таъсири аниқланган.

Экиш муддатларига кўра, вариантлар ўртасида энг юқори кўрсаткичлар эрта муддатда экилганда кузатилиб 48,9-53,2-56,4 донани, ўрта муддатда экилганда барглари сони экиш меъёрларига тегишли равишда 37,-43,1-43,8 донани, кеч муддатда экилганда эса 41,6-44,6-45,2 донани ташкил этган. Ушбу вариантларда барглари сони эрта муддатда экилган вариантларга

нисбатан тегишли равишда 10,1-12,6; 7,3-11,2 донага кам бўлганлиги аниқланган. Кузги рапсни “Юнтай” навини ўрта муддатда (01-05.10) гектарига 1,5 млн./дона экилганда, “Ясна” навини эрта муддатда (20-25.09) гектарига 2,0 млн./дона экилганда барглар сони бошқа вариантларга нисбатан битта ўсимликда 3,0 донадан 12,0 донагача кўп бўлган.

Кузги рапсининг барг юза майдони унинг энг оптимал ривожланиш даврида, яъни шоналаш даврини охири-гуллаш даврини бошланишида ўртача 64-92 минг/м²/гани ташкил этган. Унга кўра, тажрибанинг 1-вариантида, яъни эрта экиш муддати ва гектарига энг кам меъёр, 1,0 млн./дона уруг экилган вариантда ўсимликда барг юза майдони 64,88 минг/м²/гани, гектарига 1,5 млн./дона экилган вариантда 66,41 минг/м²/гани, 2,0 млн./дона экилган вариантда эса 66,10 минг/м²/гани ташкил этди. Кузги рапсни мазкур нави ўрта муддатда (01-05.10) экилганда экиш меъёрлари бўйича тегишли равишда 68,20-70,28-66,78 минг/м²/гани, кеч экилган муддатда эса 66,52-67,20-66,51 минг/м²/гани ташкил этган.

Эътиборли жиҳати шундаки, кузги рапсни “Юнтай” нави ўрта муддатда (01-05.10) гектарига 1,5 млн./дона экилганда энг юқори кўрсаткич қайд этилди. Рапс ушбу муддат ва меъёрда экилганда барг юза майдони уни эрта муддатда гектарига 1,0 млн./дона экилган вариантга нисбатан 5,40; 1,5 млн./дона экилган вариантга нисбатан 3,87; 2,0 млн./дона экилган вариантга нисбатан 4,18 минг/м²/га, худди шу экиш меъёрларида кеч муддатда экилган вариантларга нисбатан эса тегишлича 3,76; 3,08; 3,77 минг/м²/га юқори бўлганлиги кузатилган.

Кузги рапсининг “Ясна” нави эрта муддатда (20-25.09) гектарига 1,0 млн./дона унувчан уруг ҳисобида экилган 1-вариантда барг юза майдони 80,14 минг/м²/гани, гектарига 1,5 млн./дона экилган 2-вариантда 88,71 минг/м²/гани, гектарига 2,0 млн./дона экилган 3-вариантда эса энг юқори 92,15 минг/м²/гани ташкил этган, яъни гектарига 2,0 млн./дона экилган 3-вариантда барг юза майдони 1 ва 2-вариантларга нисбатан 3,44-11,01 минг/м²/гага юқори бўлганлиги кузатилган.

Худди шундай қонуниятли кўрсаткичлар тажрибанинг ўрта муддатида экилган вариантларида ҳам кузатилиб, бунда рапс гектарига 1,0 млн./дона экилганда барг юза майдони 64,89 минг/м²/гани, гектарига 1,5 млн./дона экилганда 75,14 минг/м²/гани, гектарига 2,0 млн./дона экилганда эса 80,54 минг/м²/гани, (гектарига 2,0 млн./дона экилганда гектарига 1,0 ва 1,5 млн./дона экилган вариантларга нисбатан 5,40-15,65 минг/м²/гага юқори), ушбу кўрсаткичлар рапс кечки муддатларда экилганда экиш меъёрларига тегишли равишда 71,24-76,01-77,21 минг/м²/га, яъни гектарига 2,0 млн./дона экилганда гектарига 1,0 ва 1,5 млн./дона экилган вариантларга нисбатан 1,20-5,97 минг/м²/гага юқори бўлганлиги аниқланган. Ушбу навда энг юқори барг юза майдони тажрибани 5-варианти, яъни кузги рапс ўрта муддатда (05-10.10) гектарига 1,5 млн./дона уруг экилганда кузатилиб, ушбу кўрсаткич 70,28 минг/м²/гани ташкил этган.

Кузги рапсни “Ясна” нави “Юнтай” навидан фарқли равишда унда экиш меъёрини эрта муддатда гектарига 1,0 млн./донадан 500 минг донага

оширганда барг юза майдони 8,57 минг/м²/га, 1,0 млн./донага оширганда эса 11,01 минг/м²/гага, рапс ўрта муддатда 10,25-15,65 минг/м²/гага, кеч муддатда экилганда 4,77-5,97 минг/м²/га юқори бўлган. “Ясна” навини эрта муддатда гектарига 1,0 млн./дона экилганда барг юза майдони 80,14 минг/м²/гани ташкил этган бўлса, худди шу экиш меъёрида ўрта муддатда (01-05.10) экилганда ушбу кўрсаткич 64,89 минг/м²/гани, кеч муддатда (10-15.10) экилганда эса 61,24 минг/м²/гани ташкил этган, яъни рапсда экиш муддатлари 10 кунга кечиктирилганда барг юза майдони 15,25-минг/м²/гага, 20 кун кечиктириб экилганда эса 18,90 минг/м²/гага кам бўлиши аниқланган.

Шунга ўхшаш қонуният гектарига 1,5 млн./дона экилганда ҳам кузатилиб, бунда экиш муддатлари тегишлича кечиктирилганда 13,57; 12,70 минг/м²/гага, гектарига 2,0 млн./дона экилганда эса 11,61 ва 14,94 минг/м²/га кам бўлиши кузатилган. Мазкур навда барг юза майдонини энг юқори кўрсаткичи тажрибанинг 12-вариантида, яъни кузги рапс эрта муддатда (20-25.09) гектарига 2,0 млн./дона уруг экилганда 92,15 минг/м²/гани ташкил этганлиги аниқланган.

“Ясна” нави экиш меъёрини гектарига 1,0 млн./донадан 500 минг донага оширилганда барг юза майдони 4,77 минг/м²/гадан 10,25 минг/м²/гагача, 1,0 млн./донага оширганда эса 5,97 минг/м²/гагадан 15,65 минг/м²/гагача юқори бўлган. Ушбу навда экиш муддатларини 10 кунга кечиктириш барг юза майдонини 11,61 минг/м²/гадан 15,25 минг/м²/гача, 20 кун кечиктириш эса 12,70 минг/м²/гадан 18,90 минг/м²/гача кам бўлиши аниқланган. Тадқиқотларда кузги рапс навларини ривожланиш даврлари 7 та даврга бўлиб ўрганилган. Кузги рапс навларида ўсимликнинг майсалаш ва тўпбарг ҳосил қилиш даврларида экиш меъёрларини фарқи кўринмаган, ундан кейинги ривожланиш даврларида бу яққол кўзга ташланган.

Кузги рапсни амал даври охирида олинган маълумотларга кўра, кузги рапсда экиш меъёрларини эрта экиш муддатида оширилиши амал даврини 2 кундан 4 кунгача, ўрта муддатларда экиш меъёрларини оширилиши 1 кундан 3 кунгача, кеч муддатларда оширилиши эса 2 кундан 4 кунгача узайтириши кузатилган. Кузги рапсда экиш муддатларини 10 кунга кечиктириш амал даврини 3 кундан 5 кунгача, 20 кун кечиктириш эса 5 кундан 6 кунгача узайтирилганлиги аниқланган. Кузги рапс навлари ўртасида амал даври давомийлиги “Ясна” нави “Юнтаи” навига нисбатан 8-10 кунга узун бўлганлиги аниқланиб, ушбу нав 8-10 кунга кеч пишиши кузатилган.

Диссертациянинг **“Кузги рапсининг ҳосил структураси ва уруг сифатига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида экиш муддатлари ва меъёрларини кузги рапс ўсимлигидаги шохлар сони, битта ўсимликдаги кўзоқчалар сони, бир дона кўзоқча узунлиги, битта кўзоқчадаги уруглар сони, 1000 дона уруг вазни, амал даври охирида илдиз ангиз қолдиқлар миқдори ва уруг ҳосилдорлиги ҳамда сифатига таъсири аниқланганлиги баён қилинган.

Кузги рапсининг “Юнтаи” навида битта ўсимликдаги шохлар сони 10,8-12,5 донагача, битта ўсимликдаги кўзоқчалар сони 35,4-36,8 донани, бир дона кўзоқчани узунлиги 4,4-6,1 смни, битта кўзоқчадаги уруглар сони 17,4 - 26,0

донани, 1000 дона дон огирлиги 2,7-3,5 г.ни, “Ясна” навида бу кўрсаткичлар битта ўсимликдаги шохлар сони 11,4-14,8 донани, битта ўсимликдаги кўзоқчалар сони 36,7-40,9 донани, бир дона кўзоқчани узунлиги 4,3-7,0 смни битта кўзоқчадаги уруглар сони 19,6-27,5 донани, 1000 дона дон огирлиги 2,7-3,6 г.ни ташкил этганлиги аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

Кузги рапс навларининг шохланиш даражаси, кўзоқчалар шаклланиши, битта кўзоқчанинг узунлиги ва 1000 дона уруғ вазни (2017-2018 йй.).

Вар	Кузги рапс нави	Экиш муддатлари	Экиш меъёрлари млн. дона/га	Битта ўсимликдаги шохлар сони, дона.	Битта ўсимликдаги кўзоқчалар сони, дона	Бир дона кўзоқчани узунлиги, см	Битта кўзоқчадаги уруглар сони, дона	1000 дона уруғ вазни, г
1	Юнтаи	20-25.09	1,0	12,0	36,7	6,1	26,0	3,5
2			1,5	12,2	37,1	5,8	21,4	3,1
3			2,0	12,0	36,8	5,1	17,6	2,9
4		01-05.10	1,0	12,1	36,5	5,8	25,6	3,6
5			1,5	12,5	37,7	5,4	21,3	3,1
6			2,0	12,2	37,3	4,7	18,3	2,9
7		10-15.10	1,0	10,8	35,4	5,5	25,1	3,3
8			1,5	10,9	36,3	5,1	20,3	3,0
9			2,0	11,1	36,5	4,4	17,4	2,7
10	Ясна	20-25.09	1,0	14,8	40,9	7,0	27,5	3,2
11			1,5	15,6	43,1	6,3	24,5	2,9
12			2,0	16,9	45,1	5,7	22,4	2,6
13		01-05.10	1,0	13,6	38,4	6,5	23,9	3,4
14			1,5	14,6	41,6	6,2	20,5	3,1
15			2,0	16,3	42,2	5,3	19,0	2,8
16		10-15.10	1,0	11,4	36,7	5,8	22,7	3,6
17			1,5	12,9	41,1	5,2	21,3	3,0
18			2,0	15,6	41,7	4,3	19,6	2,7

Кузги рапс навларида экиш меъёри гектарига 500 донадан оширилиб бориши битта ўсимликдаги шохлар сони 0,2-0,4 донагача юқори, битта ўсимликдаги кўзоқчалар сонини 2,2-4,2 донага кўп, кўзоқчаларнинг узунлиги эса 0,3 смдан 1,2 смгача қисқариб бориши, битта кўзоқчадаги уруглар сонини 5,5-8,0 донага кам бўлиб, 1000 дона уруг сони эса 0,5-0,6 г.га камайиб бориши аниқланган. Кузги рапсни навларини эрта муддатда экилганда ўрта муддатга нисбатан шохлар сони бўйича 1,3 донага, битта ўсимликдаги кўзоқчалар сони 3,4 донага кўзоқчадаги уруг сонидagi фарқ 0,4 донани, 1000 дона дон вазни орасидаги фарқ 0,1-0,2 г.ни ташкил этган. Ўрта муддатда экилганда кеч муддатда экилган вариантлар кўзоқчаларидаги уруг сонидан 0,9-1,0 донага, 1000 дона дон вазни эса 0,2-0,3 г.га юқори бўлганлиги аниқланган.

Кузги рапс навлари бўйича илдиз ангиз қолдиқлари экиш муддат ва меъёрларига боғлиқ ҳолда вариантларда илдиз қолдиқларини миқдори 28,5 ц/гадан 38,2 ц/гача, ангиз қолдиқлари миқдори 14,2 ц/гадан 24,0 ц/гани, жами илдиз ва ангиз қолдиқлари миқдори эса 42,7 ц/гадан 62,2 ц/гани ташкил этди.

